

"05" 01 2022 йил

Андижон шаҳар

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Андижон вилоят Кўриклаш бошқармаси бошлиғи М.Б.Уринбоев Низом асосида фаолият юритувчи (кейинчалик - "Кўриклаш" деб аталувчи) бир томондан, Андижон вилояти бўйича Газначилик бошқармаси бошлиғи Б.А.Умаров кейинчалик - "Хўжалик идораси" деб аталувчи), Низом асосида фаолият юритувчи иккинчи томондан, кўриклашни ташкил этиш ва ижросини таъминлаш мақсадида, **Техник кўриклаш маркази (ТҚМ)** оркали Объектни кўриклаш Шартномасини (матн бўйича кейинги ўринда - "**Шартнома**" деб аталади) куйидагича туздилар:

### 1. Умумий қондалар.

1.1. "Хўжалик идораси" Андижон шаҳар М.Тикланиш кўча 24-уйда жойлашган Андижон вилояти бўйича Газначилик бошқармаси махсус хонасига ўрнатилган 1,0 та шартли бирлик ва "1" та қалит "11" соатли махсус хонаси "22:00" дан "09:00" гача (шанба ва якшанба дам олиш куни билан) кўриклашга топширади кўриклаш эса ўз навбатида Андижон вилояти Кўриклаш бошқармаси Андижон шаҳар ҚБ 1-Техник кўриклаш маркази томонидан кўриклашга қабул қилади.

1.2. Объектнинг техник мустаҳкамлиги тўғрисидаги, кўриклаш ва ёнгиндан огоҳлантирувчи техник (ҚЁОС) воситалари билан жиҳозланган жойлар, код билан маҳкамланган мосламалар ва бошқа маълумотлар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган илова ва текширув далолатномасида кўрсатилади.

1.3. Объектнинг кўриклаш техник воситалари билан таъминлаш "**Хўжалик идораси**" томонидан амалга оширилади. Бу воситаларнинг техник хизмати ва жорий таъмирланиши шартнома асосида "**Кўриклаш**" инженер-техник ходимларига алоҳида тўлов оркали амалга оширилади. Объектни кўриклаш ва ёнгиндан огоҳлантирувчи мосламалар схемаси Шартномага илова қилинади.

1.4. Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимида амалда бўлган умумдавлат ҳужжатлари ва норматив актларига асосланган ҳолда объектнинг техник мустаҳкамлигини кучайтириш, кўриклаш воситаларига тадбиқ этиш ва жорий этилган кўриклаш тартибларига амал қилиш юзасидан кўрсатмалар "**Хўжалик идораси**" учун мажбурий ҳисобланади.

### 2. Томонларнинг мажбуриятлари.

#### 2.1. Хўжалик идораси мажбурияти ва ҳуқуқлари:

2.1.1. Объектни ТҚМга улаш учун Кўриклашга соз ҳолдаги, АТСга уланган телефон тармоғини ажратади.

2.1.2. Кўриклашга топшириладиган Объектни техник мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида текширув далолатномаси юзасидан дераза, форточка, эшик, кулф ва бошқаларни меъёрий талаблар асосида жиҳозлайди ва мустаҳкамлайди.

2.1.3. Кўриклаш вакилларига, ушбу шартнома асосида олган мажбуриятларини бажариш учун эркин кириб чиқишига шароит яратади.

2.1.4. Объектни Кўриклашга топшириш ва қабул қилиш, қалитларни сақлаш ва Объектни очиб кўздан кечириш учун жавобгар шахсни тайинлайди ва жавобгар шахс ўз вақтида объектда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва бу ҳақида кўриклаш бўлими ТҚМга ахборот бериши шарт.

2.1.5. Объектнинг қалити йўқолиши оқибатида уни алмаштирилганда, шунингдек, унинг бутлиги бузилганлиги аниқланганда зудлик билан Кўриклашга хабар беради.

2.1.6. Беғона шахсларга кўриклаш ва сигнализация тизимини ҳамда пулт рақамларини ўзлаштирмаслиги учун уларни ошқор қилмайди.

2.1.7. Кўриклаш сигнализация воситаларидан фойдаланиш қондаларига қатъий риоя қилади. Объектни блоқировка схемасига ўзгартиришлар киритмайди. Ўз ихтиёри билан сигнализация воситаларини алмаштирамайди. Кўриклашни юзага келган камчиликлар юзасидан ўз вақтида хабардор қилади.

2.1.8. Объектни кўриклаш остига топширишдан олдин эшик, дераза, туйнуқларни маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қилади. Уларни доимий равишда соз ҳолда сақланишини таъминлайди.

2.1.9. ҚЁОС воситаларини ишчи ҳолатини текшириш учун қунига камида бир маротаба "Ташвиш" хабари бериш йўли билан Кўриклашни телефон оркали хабардор қилган ҳолда текширув ўтказиши.

2.1.10. Ҳисоб-сметаси асосида ўрнатилган тарифда Кўриклаш хизмати учун ҳар ойлик мажбурий тўловни амалга ошириб боради.

2.1.11. Кўриклашнинг тўлов ҳисоби ва далолатномаси асосида куйидаги тўловларни амалга оширади:

- Объектда ўрнатилган Объект ҳисобида бўлмаган ва унинг ҳатоси билан ишдан чиққан техник воситаларни таъмирлаш учун;

- Объектга ўрнатилган буюртмачига тегишли бўлган техник воситаларни таъмирлаш учун;

- Сигнализация воситаларининг 5 (беш) йиллик фойдаланиш муддати ўтиб, мукамал таъмирлаш учун;

- ТҚМни модернизациялаштирилган кўриклаш системасига ўтказилиши муносабати билан Объектни замонавий техника воситалари билан алмаштириш учун;

- "**Хўжалик идораси**" айби билан берилган сохта ташвиш хабар учун (объектни НБП (навбатчи бошқарув пулти)ни хабардор этмаган ҳолда кўриқландан чиқариш, телефон дастагини нотўғри ҳолатда қўйиш, мазкур шартноманинг 2.1.8.моддаси талаблари бажарилмаганда) ТҚМ нарядининг келишига, ҳар бир келиши 10 % микдорда (тўлов микдори ТҚМ дан буюртмага объектга масофа учун фойдаланилган транспорт ва ёкилиги ҳисобидан аниқланади), микдорда.

2.1.12. Сигнализация воситалари учун уланган электр ва телефон тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш чораларини кўради.

2.1.13. Объектни мазкур Шартномада кўрсатилган тартибда белгиланган давомийликда ва муддатга марказлаштирилган кузатувга топширади.

2.1.14. Объектнинг техник мустаҳкамлигини ва ҚЕОС воситалари билан жиҳозланишини таъминлайди ва саклайди.

2.1.15. Қўриқланаётган Объект ва унинг периметрини туғи пайтларда керакли ёритиш мосламалари билан жиҳозлаб, ТҚМ нарядларига мумкин даражада кўринишини таъминлайди.

2.1.16. Қўриқланадиган Объектнинг тоифасига қараб, деворни, томни ҳамда деразаларни ва эшикларини кўрсатилган меъёр даражасида бўлишини таъминлайди.

2.1.17. Объектда мавжуд бўлган мулкни сугурталанишини таъминлайди.

2.1.18. Қўриқланадиган Объектда ўзининг қучи ҳисобидан ёнги хавфсизлиги талбирларини ташкил этади ва таъминлайди.

2.1.19. Объект витринларида кимматбаҳо товар-моддий маҳсулот намуналаридан қўйиш зарур бўлганида, улар ўрнига макелларини қўяди. Витриналарга қўйилган кимматбаҳо товар-моддий бойликларни уларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда рўйхатга олиб, моддий жиҳатдан масъул киши томонидан имзоланади ва “Хўжалик идораси” муҳри билан тасдиқланади. Мазкур рўйхатнинг бир нусхаси витринада, иккинчи нусхаси “Хўжалик идораси”нинг моддий жиҳатдан масъул шахсида, учинчи нусхаси Қўриқланга берилади.

2.1.20. Сиспаш даврида пул маблағлари, кимматбаҳо тошлар, олтин, платинадан ишланган маҳсулотлар, тилло, платина, кумуш корнуси соатлар пол ва деворларга маҳкамланган сейфларда сакланади. Пул маблағлари, кимматбаҳо металл ва тошлардан бўлган маҳсулотларни саклашда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар қўмитасининг Давлат палатаси томонидан ва юридик шахсларнинг касса операцияларини юритиш Қондалари билан белгиланган талаблар аниқланган юқори бўлса, саклашга йўл қўймайди.

2.1.21. Қўриқланадиган Объектга ўриштирилган ҚЕОС воситаларига Қўриқлаш бўлими ходимларини эркин ҳаракатини таъминлайди.

2.1.22. Қўриқлаш билан биргаликда бир (квартал) чоракда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда Объектни техник мустаҳкамлиги, кўриқлаш техник воситалари, шу жумладан ҚЕОС воситалари билан жиҳозланганлигини текшириб, шу ҳақда масъул вакиллар имзоси қўйилган, Хўжалик томонидан мавжуд камчиликларни бартараф қилиб, Қўриқлашга ахборот бериш учун мудлага кўрсатилиб, далолатнома тузилади. Мазкур далолатнома Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади, унда кўрсатилган вазифалар бажарилади.

2.1.23. Текширув далолатномаси тозасидан Объектнинг техник мустаҳкамлигини ошириш чора-тадбирларини бажаради. Объектнинг кўриқлашнинг тақомиллаштириши, ички ва кириб-чиқиш тартибининг яхшилаш, моддий товар бойликларни саклашнинг учун зарур шарт-шароитлар яратилиши ва Қўриқланга ўзининг вазифаларини ижро этиши учун қўмақлашади.

2.1.24. Объект худудида таъмирлаш ишлари ёки бошқа тадбирлар ўтказилиши, кўриқланадиган жойлар ва майдонларни ижарага тошириладиглиги, ёки кўриқланадиган жойларни ўзгартириш ёки янгиланиши вужудга келиши, мазкур Объектни бошқа шахсларга тошириладиглиги муносабати билан пост жойлашувлари ўзгартирилиши, қўшимча постлар қўйилиши, ҚЕОС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган тақдирда, Хўжалик идораси бу ҳақда Қўриқланга 15 кун аввал ёзма равишда билдиради.

2.1.25. Қўриқлаш томонидан ваколат берилмаган шахсларга, кўриқлаш ва ёнгиндан оғоҳлантирувчи техник воситаларини техник кўриқдан ўтказиши ва таъмирлашга руҳсат бермайди.

2.1.26. Объектни ТҚМга тоширишдан камда 3 (уч) соат олдин ҚЕОТ воситаларини созлигини, топширилишини назорат тарикасида текширади. Носозлик аниқланганда зудлик билан хизмат кўраётадиган электр таъмирловчинини чақиратиши ва бу борада Қўриқланга хабар беради.

2.1.27. Объект, ҚЕОС воситалари билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хоналарни кўриқлаш постига, шунингдек ТҚМ кўриқлаш қўлида тошириб боради, эшикларини қулфлари, деразаларини, форточкаларини ва кўриқлаш сигнализация воситаларини ва туғи ёритиш воситаларини ҳолатини текширади, кўриқланадиган хоналарда ўчирилмаган электр мосламалар, бошқа ёнгишга олиб келувчи мосламаларни ёкидан ҳолда қолиб кетмаслигини ва бегоналар бўлишининг олдини олади. Объектни тоширилиши тўғрисида ТҚМга 5 (беш) дақиқадан кейин хабар гушгандан сўнг объект кўриқланга олинатганини тўғрисида ишори ҳосил қилинади.

2.1.28. Объектга бегона шахслар томонидан объект ёки алоҳида хоналарга кириш оқибатида унинг бутлигига таҳдид қилинганлиги ва содир этилган моддий зарар тўғрисида Қўриқланга хабар бериб, Қўриқлаш вакиллари келгунга қадар зевек жойини таҳсилланганини таъминлайди.

2.1.29. Қўриқлаш томонидан белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлайди ва моддий товар бойликларини ҳисобини олиб бориш учун Қўриқлаш бўлими ходими иштирокида моддий товар бойликларини қолдини ҳисобланади, шунингдек, Қўриқланга барча ҳужжат ва маълумотлари тақдим этади.

## **2.2. Қўриқлашнинг мажбуриятлари:**

2.2.1. ТҚМ кўриқига топшириладиган объектнинг техник мустаҳкамлиги текширилиб, унинг ҚЕОС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган жойларга қараб далолатнома тузади.

2.2.2. Объектда ҚЕОС воситаларини мажбурий жиҳозлашни жойларини белгилайди.

2.2.3. Объектга ҚЕОС воситаларини жиҳозлашни тавсия этади. Объектнинг заиф жойларини ҚЕОС воситалари билан жиҳозлашни Объект томонидан бажарилмаган тақдирда, Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловада белгилаб қўйилади.

2.2.4. Объектнинг техник мустаҳкамлиги далолатномасига асосан Объект ҳисобидан ҚЕОС воситалари билан жиҳозлайди ва телефон алоқаси орқали пулга уланади, пулга маълумотномаларини тақдим этади.

2.2.5. Объектдаги ҚЕОС воситаларини ҳар 5 (беш) йилда тўлиқ мукамил таъмирлайди.

2.2.6. Объект билан келишилган ҳолда объектга қўшимча ҚЕОС воситаларини ўриқтиладиган тақдирда, томонлар ушбу Шартномага қўшимча келишув тузилдилар ва Объект ушбу бажариладиган ишлар ҳақини ўриқтирилган тартибда аввалдан пул тўловини ўлагандан кейин амалга оширади.

2.2.7. Ўриқтирилган тартибда объектнинг кўриқланга олишга сигнализация воситалари ёрдамида ТҚМга уланиши ҳақида ўз вақтида ТҚМ нарядини таъини хабари бўйича етиб боришини таъминлайди.

2.2.8. Объект кўриқлашда бўлган вақтда объектга руҳсатсиз кирган шахсни қўлга олиш чорасини кўради.

2.2.9. Хўжалик идораси ходимларига ҚЕОС воситаларини ишлатилишини ўргатиб, бу борада йўриқномалар бериши.

2.2.10. Хар бир тушган сохта ташвиш хабари бўйича даволатнома тузилиб, Объект очилиб кўриқдан ўтказилиб, тузилган даволатноманинг бир нухаси Хўжалик идорасига бериллади.

2.2.11. Сигнализация воситаларини 5 (беш) йил ишлатилгандан кейин мукамал таъмирланишини амалга оширади.

2.2.12. Хизмат хақи тарифи ўзгарган ҳолда Хўжалик идорасини хабардор қилади.

2.2.13. Мазкур Шартномани тўхтатиш ёки бир томонлама бекор қилиниши қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) Хўжалик идораси 2 (икки) ойдан ошиб Қўриқлаш хизмати учун тўловларни тўламаганда;  
б) Қўриқлаш томонидан техник сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари туфайли (телефон рақами ўзгарганда, телефон ўчирилганда, ТҚМ тугатилганда);

в) Хўжалик идорасини номи ўзгариб, Қўриқлашни бундан хабардор қилмаганда;

г) Мазкур Шартноманинг 2.1.2., 2.1.3., 2.1.5., 2.1.7., 2.1.8., 2.1.12., 2.1.16. бандлари бузилганда.

2.2.14. Телефон ўчирилганда ёки носоз бўлган ҳолда, электр манбан ўчирилганда ТҚМ жойи ўзгарганда Объект кўриқлашга қабул қилинмайди ва бу ҳақда Хўжалик идорасини ёзма ёки телефон орқали хабардор этили.

### 3. Хизмат нархи, ҳисоб-китоб тартиби ва шартнома хал қилини.

3.1. Объектни кўриқлаш бўйича хизмат кўрсатилишининг бир ойлик нархи ушбу шартнома асосида қалит-соат ҳисобида тасдиқланган тариф асосида техник хизмат учун 1 ойга 29547 сўм, "1" та 1 соатли қалит соатига 6256 сўм. 1 та қалит жами 1 ойга 2858992 (Икки миллион саккиз юз эллик саккиз минг тўққиз юз тўқсон икки) сўм, техник хизмат билан жами бир ойга 2888539 (Икки миллион саккиз юз саксон саккиз минг беш юз ўттиз тўққиз) сўм, чорак учун 8665617 (саккиз миллион олти юз олти беш минг олти юз етти) сўмни

\_\_\_\_\_ ташкил қилини ва ушбу шартноманинг ажратмас қисми бўлган смета-ҳисоб билан белгиланади. Қўриқлаш хизматининг нархлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Қўмондонлиги томонидан тасдиқланган "ТАРИФ"лар асосида Қўриқлаш хизмати учун тарифлар қайта кўриб чиқилади.

3.2. "Хўжалик идораси" янги ой бошланишига 10 кунга қадар шартноманинг умумий суммасининг 100% миқдоридан пулни "Қўриқлаш"нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. "Қўриқлаш" хизмати учун ҳисоб-китоб қилинига ўз маблағлари бўлмаган ҳолда, "Хўжалик идораси" белгиланган муддатда юқори орган (ташкилотлар) марказлашган фонддан кўшимча маблағлар ҳисобига қарздорликни қоплайди.

3.4. "Қўриқлаш"нинг кўшимча хизматлари учун ва жарималар "Қўриқлаш" томонидан ҳисоб ёки билдириши берилганда "Хўжалик идораси" томонидан 10 кун муддатда ўтказиши йўли билан тўланади.

3.5. Ушбу Шартномани бажариши мобайнида пайдо бўлган хар қандай шартнома ва келишмовчиликлар Томонлар тарафидан музокаралар олиб бориши йўли билан ҳал қилинади. Агар Томонлар бир битимга келиша олмасалар, у ҳолда шартнома белгиланган тартибда Хўжалик судида кўриб чиқилади.

### 4. Томонларнинг жавобгарлиги

#### 4.1. Хўжалик идорасининг жавобгарлиги:

4.1.1. "Хўжалик идораси" "Қўриқлаш" хизмати учун шартнома асосидаги тўлов муддатидан ўтиб кетса, шартномада белгиланган бир ойлик хизмат нархининг 0.4% миқдорда жарима тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси лозим даражада бажарилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

4.1.2. "Хўжалик идораси" "Қўриқлаш" томонидан кўрсатишган хизматлар учун тўловдан асоссиз бош тортса, тўлашни лозим бўлган сумманинг 15% миқдорда жарима тўлайди.

4.1.3. Объектни кўриқлаш даврида:

мазкур Шартноманинг 2.1.2., 2.1.5., 2.1.6., 2.1.7., 2.1.8., 2.1.12., 2.1.14., 2.1.15., 2.1.16., 2.1.19., 2.1.20., 2.1.23., 2.1.24., 2.1.25., 2.1.26., 2.1.27. бандларида кўрсатишган талаблар Хўжалик идораси томонидан бажарилмаганлиги оқибатида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

#### 4.2. Қўриқлашнинг жавобгарлиги

4.2.1. Шартнома шартларини талаб даражасида бажармаганлиги сабабли Хўжалик идорасига етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбуриятини ва моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Хўжалик идораси хазинахонасида ва омборхонасида сақланган пул воситалари талончилик ёки босқинчилик йўли билан ўғирланган тақдирда, Хўжалик идорасига ушбу реал етказилган зарар суммаси доирасида жавобгар бўлади.

Зарарни қайтариш учун, тергов ёки суд идораларининг ўғирлик, талончилик, босқинчилик ёки бошқа қонуنبузгарлик ҳолатлари юзасидан чиқарилган қарорлари асос бўлади.

4.2.2. Ташвиш сигнали бўлганда ТҚМ наряди етиб келмаса, "Хўжалик идораси" га 1 ойлик хизмат нархининг 0.1% миқдорда жарима тўлайди.

4.2.3. Қуйидаги ҳолатларда келтирилган моддий-зарарлар учун Қўриқлаш жавобгар ҳисобланмайди:

а) Пул маблағлари хўжалик идорасининг объектида қолдирилишига ҳаққи бўлмаган ҳолатда, белгилангандан ортиқ миқдорда қолдирилса, шунингдек пул маблағлари сейф ёки пол ва деворга маҳкамланган металл шкаф (кути) ларда сақланмаган бўлса, пул маблағлари, қимматбаҳо металл ва тошлардан бўлган маҳсулотларни сақлашда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар қўмитасининг Давлат палатаси томонидан ва юридик шахсларнинг касса операцияларини юритиш Қондалари билан белгиланган талаблар лимит миқдоридан юқори даражада очик ҳолатда сақланса ҳамда ўғирланса ёки талончилик қилинса;

б) Фуқароларнинг шахсий мулклари ўғирланса;

в) Бино ёнилиши ёки қўриқлаш учун қабул қилинишидан олдин кириб олган шахс томонидан ўғирлик, талончилик, босқинчилик содир этилса;

г) Товар-моддий бойликларининг ўғирланиши ёки босқинчилик, талончилик қилинишида;

д) Табиий офатлар оқибатида келтирилган мулкий зарарлар учун;



- Бу бошка мулкдорники бўлиб, у кўрикланаётган хонани ижарага олиб кўриклаш учун мустақил шартнома тузилмаган бўлса;

- Агар хўжалик идораси томонидан кўриклаш сигналзацияси ёкилмагани сабабли бўлса, объектни кўриклашга топширмаган ёки кўриклаш воситаларининг носозлиги хақида маълум қилмаган бўлса, шунингдек бошка техник сабабларга кўра кўриклаш олиб борилмаган бўлса;

- Шартноманинг 2.1.20. банди талаблари бузилиб, жиҳозланган витриналардан ўғирланса ёки талончилик, боёқчилик қилинса.

е) Хўжалик идораси томонидан кўрсатилган муддатларда Объектни техник мустаҳкамлигидаги талабларни ва мазкур Шартноманинг 2.1.5., 2.1.6., 2.1.8., 2.1.16., 2.1.24., 2.1.25., бандлари бажарилмаганлиги оқибатида ўғирлик содир этилса.

## 5. Форс-мажор

5.1. Томонлар Шартнома асосидаги ўз мажбуриятларидан фавқулодда ҳолатлар, онгли равишда олдиндан кўзда тутилмаган ва олдини олиш имкони бўлмаганда қисман ёки тўлиқ бажарилмаган ҳолда озод этиладилар;

5.2. Ушбу Шартноманинг бажарилишига тўққизлик қилувчи куч билан енгиб бўлмайдиган вазиятлар қаторига ялғизла, сув тошқини, ёнғин, ҳукумат қарорлари ёки давлат органлари буйруқлари турли характердаги харбий ҳаракатлар ва бошқалар қиради.

## 6. Яқиний қондалар

6.1. Иловалар (план-схема, постлар дислокацияси, объектнинг кўриклаш ва оғохлантириш воситалари билан жиҳозланган схемаси, хизматлар учун тўлов смета-ҳисоби, техник ҳолати кўриги далолатномаси) ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.2. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонлар томонидан ёзма равишда ва вақил томонидан имзоланган бўлсагина, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Мазкур Шартномани бекор қилиш, ўзгартириш ёки матнига қўшимча киритишга манфаатдор томон, 2 (икки) ой олдин ёзма равишда иккинчи томонни хабардор қилади.

6.4. Томонлар Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини иккинчи томоннинг ёзма розилигисиз бошка шахсга беришга ҳаққи йўқ.

6.5. Бюджет танкилотлари ва бюджет маблағлар олувчилари бўйича белгиланган тартибда газначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб **2022-йилнинг 31-декабрь** куни охиригача.

6.6. Агар томонлардан бири Шартномала кўрсатилган 2.1. ва 2.2. бўлимлари бўйича мажбуриятларини бажармаса ёки бўзса, белгиланган мажбурият муддати тугагунга қадар 1 ой (бир) олдин келтирилган зарарни қоплаш ҳуқуқи билан иккинчи томон мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга (тоифаланган ва банк объектларидан ташқари).

6.7. Агар кўриклаш турига, тўлов шартларига, ўзгартиришлар киритилса, икки томонлама розилик баённомаси мазкур Шартномага киритилади.

6.8. Шартнома тўхтатилса, “Хўжалик идораси” 3 кун муддат ичида “Кўриклаш” нинг ҳисоб рақамига кўриклаш тугатилганини сабабли зарурий чиқимлар тўловини тўлашга мажбур.

## 7. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва банк реквизитлари:

### “КЎРИКЛАШ”

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Андижон вилояти  
Кўриклаш бошқармаси

Юридик манзили: Андижон шаҳар

М.Тикланниш кўчаси 26-уй

Банк реквизитлари: 21596000900278042001

МФО: 00016

СТИР: 200237592

ХХТУТ:

Марказий банк ХҚҚМ

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Андижон вилояти  
Кўриклаш бошқармаси бошлиғи

М.Б.Уришбоев

### “ХЎЖАЛИК ИДОРАСИ”

Андижон вилояти бўйича  
Ғазначилик бошқармаси

Юридик манзили: Андижон шаҳар Миллий

Тикланниш кўчаси №24-уй

Банк реквизитлари: 100021860034017011312092011

Х/р: 23402000300100001010

МФО: 00014

СТИР: 206921316

ХХТУТ:

Андижон вилояти бўйича Ғазначилик  
бошқармаси бошлиғи

Б.А.Умаров



Ўзбекистон Республикаси Миллий Гардияси  
Андижон вилояти Кўриқлаш бошқармаси  
бошлиғи

Андижон вилояти бўйича Ҳазақчилик бошқармаси бошлиғи



М.В. Динбоев  
2022 йил

Б.А. Умаров  
2022 йил

Ўз.Рес. МГ Андижон вилояти Кўриқлаш бошқармаси "Махсус хонаси" нд

**СМЕТА-ХИСОБИ**

Шартномага н.лова

№	Объект номи	Объект мантии ва телефон рақами	Хизмат тури ва ТКМ номери	Тоифа тури	Кўриқлаш объект сони	Кўриқлаш вақти (соат)			Йиллик кўриқлаш соати	Кўриқлаш нархи (сўм)		
						Иш кунлари	Байрам олд ва байрам кунлари	Дам о.шии ва байрам кунлари		Бир соат учун	Бир ой учун	Шартли белгилар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	13	14
1	Андижон вилояти бўйича Ҳазақчилик бошқармаси "Махсус хонаси" нд шартли белги	Андижон шаҳар М.Тўраевнинг кўча 24-ди	1-ТКМ	Кўриқлаш элпизи	1	22-09	09-09	09-09	457	6256	2 858 992,00	
		Жами келип соми:			1						29 547,00	
		Жами:			Жами бир ойлик учун тўлов:					2 888 539,00		
			Икки миллион сажкиз юз сажсон сажкиз минг беш юз ўттиз тўққиз сўм (									

Кўриқлаш бошқармаси  
МИБ бошлиғи

Н.А. Зулдунов

1 - 71/14

